

## Одамлар орасини ислоҳ қилиш



16:00 / 09.06.2021 4276

Ислонда мусулмон кишининг ўзи тўғри йўлдан юриб, зарарли нарсалардан четда туриб, фақат ўзини-ўзи тузатиш билан овора бўлиб қолишига «яхшилиқ» деб қаралмайди. Балки ҳақиқий мусулмон одамлар орасида ҳам ислоҳ ишларини олиб бориши зарур. Одамлар орасини ислоҳ қилиш мусулмончиликнинг асосий ғояларидан биридир. Чунки икки шахс орасидаги адоват бориб-бориб икки тараф орасидаги адоватга айланиши турган гап. Кўпчилик халқлар ўзаро келишмовчилик натижасида бир неча жамоаларга бўлиниб кетади, улар орасида келишмовчилик авж олиб, ҳатто беҳуда қон тўкилишига ҳам сабаб бўлади. Одамлар орасини ислоҳ қилиш олий даражадаги инсоний сифатлардан бўлиб, бу нарса фақат пок қалблардан чиқади. Одамларнинг орасини тузатиш ҳар бир жамиятга кўп яхшилиқ ва манфаатлар келтиради, унинг аъзоларини жипслаштиради. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Ўз Китобида бандаларини мўминлар орасини

ислоҳ қилишга буюрган:

مُكَلِّمَ لَعَلَّ لَ اَوْقَاتٍ اَوْ مُكَيِّمًا نَبِيًّا اَوْ حَلَّصَ اَفْعُوْخًا نُوْنًا مَّوْمِنًا اِمْنًا  
نُوْمًا حُرَّتًا

**«Албатта, мўминлар биродардирлар, бас, икки биродарингизнинг ўртасини ислоҳ қилинг ва Аллоҳга тақво қилинг, шоядки раҳм қилинсангиз» (Ҳужурот сураси, 10-оят).**

Қуръон шунингдек, эр-хотин орасини ислоҳ қилишга ҳам чақирган:

اِنَّ اَوْلٰهٗنَّ مِّنْ اَمْكٰحٍ وَّ اَوْلٰهٗنَّ مِّنْ اَمْكٰحٍ اَوْتَعَبَ اَفْ اَمُوْنٰى بَقٰقِشٍ مُّتَّفٰخٰنٍ اِو  
اَرِيْبٰخٍ اَمِيْلَعٍ اَنَّا لَ اِنَّا اَمُوْنٰى بَعَلِّ اَقْفٰوِيْ اَحَالِصٍ اَدِيْرِيْ

**«Агар икковларининг оралари бузилишидан қўрқсангиз, у(эр)нинг аҳлидан бир ҳакам ва бу (хотин)нинг аҳлидан бир ҳакам юборинг. Агар улар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ у(эр-хотин)ларнинг орасини мувофиқлаштирур. Албатта, Аллоҳ ўта билувчидир, ўта хабардордир»(Нисо сураси, 35-оят).**

Аллоҳ таоло одамлар орасини ислоҳ қилишдек улуғ иш учун бериладиган савобни баён қилиб шундай дейди:

اِنَّ يَبِ اَحَالِصٍ اَوْ اَفْوَعَمٍ وَّ اِقْدَصَبَ رَمًا نَمَّ اِلَّا مُهَ اَوْجَن نَّم رِيْثَك يَف رِيْخٍ اِل  
اَمِيْطَع اَرْحَ اَهِيْ تُوْن فَوَسَفِ اِلَّا اَصْرَمَ اَعْتَبَا كَلْدَلْ غَفِيْ نَم وَّ سَا نَل

**«Уларнинг кўплаб махфий суҳбатларида яхшилик йўқ, садақага, маъруфга ва одамлар орасида ислоҳга буюрган кишигина бундан мустасно. Ким буни Аллоҳнинг розилиги учун қилса, албатта, унга буюк ажр берурмиз»(Нисо сураси, 114-оят).**

**“Иймон” китобидан**